

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**КИЧИК ГУРУҲЛАРДА
ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАШ
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТЎПЛАМИ**

ТОШКЕНТ - 2013

Тузувчилар: Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Серия “Ўрта махсус, касб-хунар таълимда инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. – 44 б.

ТДИУ Илмий Кенгашининг 30 август 2013 йил 1-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.

Ғоя муаллифи: иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиев

Тақризчилар:

ТДИУ академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор, иқтисод фанлари номзоди, доцент И. Ахмедов.

ТДИУ “Иқтисодий педагогика” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, доцент М.К. Ҳакимова.

Ушбу қўлланма уч қисмдан иборат бўлиб, унда замонавий ўқитиш воситалари – ўқув машғулотида ўқитиш технологиясининг элементи тақдим этилган: биринчи қисмда - слайдли тақдимотни ишлаб чиқиш педагогик технологияси; иккинчи қисмда - ўқув топшириқни бажаришга йўриқномани ишлаб чиқиш педагогик технологияси; учинчи қисмда - график ташкил этувчиларнинг педагогик технологияси тақдим этилган.

Қўлланма академик лицей ва касб-хунар колледжлар ўқитувчиларига мўлжалланган. ЎМКХТ ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими тингловчилари учун фойдали бўлиши мумкин.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	4
I-ҚИСМ. КИЧИК ГУРУХЛАРДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ	5
1.1. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқиш педагогик технологиясига кириш	6
1.2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқиш жараёнини ташкил этишнинг технологик схемаси	7
II-ҚИСМ. ТРЕНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	12
2.1. “Кириш. Инсон ҳаётида овқатланишнинг аҳамияти” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа) <i>Р. Бабажанова, Урганч Туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи.</i>	13
2.2. “Конституциявий ҳуқуқ” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа) <i>Ф. Жумаева, Бухоро муҳандислик технологиялар институти қошидаги 1-сон академик лицей</i>	17
2.2. “Конституциявий ҳуқуқ” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа) <i>Ф. Жумаева, Бухоро муҳандислик технологиялар институти қошидаги 1-сон академик лицей</i>	20
2.4. “Математика маятник ёрдамида эркин тушиш тезланишини аниқлаш” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа) <i>Д. Ходжаева, Тошкент Сергели тиббиёт коллежи.....</i>	29
2.5. “Сўзларнинг тузилишига кўра турлари. Содда, кўшимча сўзлар ва уларнинг услубий қўлланиши” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа) <i>Ш.Ҳамроева, БухДУ қошидаги 1-сон академик лицей</i>	33
2.6. “Академик лицей атрофида кенг тарқалган икки хил тур ёки унинг гербарийси ёки коллекциясидан турнинг морфологик мезонини аниқлаш” мавзусидаги лаборатория машғулотида гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа) <i>Ҳ.Офтобхўжаева, Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги иқтидорли болалар академик лицей</i>	37

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора тadbирлар тўғрисида” ПҚ-1761-сонли, 2013 йил 14 февралдаги “Обод турмуш йили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1920-сонли қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 18 июлдаги 303-сонли, 23 октябрдаги 408-сонли, 2013 йил 6 мартдаги 69-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари педагог кадрларини замонавий ахборот-коммуникация воситалар ва илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллашлари учун тегишли шароитлар яратиш, умумтаълим, умумкасбий (мутахассислик) фанлари ва ўқув амалиёти машғулотларига оид тайёрлаган таълим технологиялари бўйича Республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тўплаган илғор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида 2013 йилнинг июн – август ойларида Ўзбекистоннинг барча худудларида академик лицей ва касб-хунар колледжлар ўқитувчилари учун “Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари педагог кадрлари учун таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш” номли тренинглар ўтказилди. Тренинг иштирокчилари қуйидаги кўникмаларга эга бўлишди: ўқув фани бўйича ўқитиш технологияларинини лойиҳалаштириш ва режалаштириш; кейс ўқитиш ва лойиҳавий ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш; ҳамкорликда гуруҳларда ишлаш технологиясини

Ушбу методик қўлланмада кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқиш педагогик технологияси тақдим этилган:

- 1) Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқиш педагогик технологияси (**I-қисм**);
- 2) Тренинг иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқиш педагогик технологиялари (**II-қисм**);

Тўпلامда тақдим этилган педагогик технологиялари мукамалликдан ҳали йироқда - ўқитувчилар улар учун янги бўлган ўқитиш технологияларини эгаллаш бўйича йўл бошидалар. Аммо жараён бошланди - бу эса энг муҳими.

I-ҚИСМ. КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ



2.1. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқиш педагогик технологиясига кириш

2.2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқиш жараёнини ташкил этишнинг технологик схемаси

1.1. КИЧИК ГУРУХЛАРДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА КИРИШ

Гурухларда ишлаш – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурухларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Бунда асосийси топшириқ – натижа эмас балки, гурух ичидаги ҳамкорлик жараёнидир.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари

гурухга битта топшириқ;

битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;

ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

1.2. КИЧИК ГУРУХЛАРДА ҲАМКОРЛИҚДА ЎҚИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИ

I. Ташкилий босқич

Технологик ишлар

1. Гуруҳларда ҳамкорликда ўқишни ташкиллаштириш тайёргарлигини ўзи баҳолаши, таҳлил қилиши



2. Мақсадни белгилаш




3. Гуруҳли ишга зарур бўлган ва ўқув режасида ажратилган вақт бўлагини ўзаро нисбати



4. Ўқув машғулотининг моделини танлаш



5. Гуруҳлар иш жойини



6. Топшириқни танлаш ва уни ифодалаш



Таълим берувчи фаолияти

Қуйидаги саволларга жавоб излайди:

- ✓ Нима учун мен таълим олувчилар гуруҳларда ишлашларини хоҳлайман? Мен бунга ўзим тайёрманми?
- ✓ Мен буни қандай амалга оширишни биламанми?
- ✓ Таълим олувчиларни ўзлари бунга тайёрмилар?
- ✓ Улар гуруҳли шакл шароитида таълим олиш қоидаларини биладиларми?


Таълимий мақсадни белгилайди ва натижаларни режалаштиради.

Мавжуд ўқув режасига мувофиқ вақт бўлагини, белгиланган мақсад ва кўзланаётган натижаларга эришишни амалга ошириш учун муҳим бўлган вақт билан ўзаро боғлаш. Гуруҳли ишни ўтказиш мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Энг яхши модел: 1) ўқув топшириғини барча ўқув гуруҳларига тушунтириш, 2) кичик гуруҳларда, аввал алоҳида, сўнгра биргаликда ишни ташкиллаштириш, 3) гуруҳ иши натижаларини тақдироти ва уни жамоавий яқунлаш.

Аудитория шундай бўлиши керакки, бунда бир-бирларига ҳалақит бермасдан, бир неча гуруҳ ишлаши зарур. Столлар ва ўриндиклари полга маҳкамланган аудитория тўғри келмайди.

Таълимий мақсадга мос келувчи бир хил/табақалашган топшириқларни танлайди. Уни таълим олувчиларнинг қобилиятлари, БМК даражаси ва хусусиятларидан келиб чиқиб ифодалайди. Бу эса барча гуруҳ аъзоларини топшириқни бажаришда биргаликда иштирок этишини таъминлаш имконини беради.

 **Бир турдаги гуруҳли иш** ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади.

Табақалашган гуруҳли иш гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутади.

7. Ўқув материаллари ва йўриқномаларни тайёрлаш

Гуруҳлар учун қуйидагиларни тайёрлайди: ёзма йўриқномалар: топшириқни ва уни бажариш йўлини гуруҳ тушуниши буларга боғлиқ; фақат йўриқномани тушуниши гуруҳ ичида самарали ишни таъминлайди.

Йўриқномага талаб:



Йўриқнома қуйидаги хусусиятларда эга бўлиши керак:

- топшириқни аниқ ифодаланишини;
- кутилаётган натижаларга аниқ йўналтириш;
- тажрибада синалган бўлиши керак: бу йўриқномани аввал ўзи ёки ҳамкасбидан бажаришини илтимос қилиш керак;
- гуруҳ топшириқни мустақил бажариш учун бўйича тўла тавсияномалар бўлиши керак;
- ҳар бир таҳлим олуви учун тушунарли қилиб ёзилиши керак.

8. Таълим олувчиларни ҳамкорликда ишлашга тайёрлаш

(1) Ўқув гуруҳида хайрихона муносабат муҳитини яратади: фақат шунда улар ҳамкорий ишни самарали ва ижодий бажарадилар.

(2) таълим олувчилар топшириқларни гуруҳларда бажариш қондасини билишлари ва йўналтирилган бўлишлари керак.



Гуруҳда ишлаш қондалари:

- ҳар ким ўз ўртоқлари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;
- ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;
- ҳар ким гуруҳ иши натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.
- ҳар ким аниқ тушуниши керак:
 - бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!
 - биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!


9. Гуруҳларга бўлиш йўлини танлаш

Кичик гуруҳларга бирлаштириш йўлини танлайди. Таълим олувчиларни ким гуруҳларга бўлишини аниқлайди. Агарда бажариш учун турли топшириқлар берилса, улар гуруҳни ўз кизиқишлари бўйича танлашлари мумкин.

10. Гуруҳ иш жойини тайёрлаш

Стул ва ўриндиклар шундай жойлаштириладики, бунда:
- таълим бурувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак;
- зарур ўқув қўлланмалар барчага этарли бўлиши керак.

Гуруҳларни жойлаштиришнинг энг мақбул чизмаси




II. Асосий босқич

Технологик ишлар

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш



2. Ўқув топшириқларни тарқатиш




Таълим берувчи фаолияти

Танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади

(1) Билим орттиришлик вазифани (муаммоли вазиятни таклиф қилади) белгилайди, таълим олувчилар билан биргаликда уни ечиш йўли ва тартибини муҳокама қилади (амалиётда амалга ошириш).
(2) Иш якуни бўйича қандай натижалар кутулишини тушунтиради.
(3) Гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш



(1) Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарақатади. Топшириқни бажаришда (керак бўлганда), қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. (Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади).
(2) Ёзув тахтасида гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш



Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади, ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

5. Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш



Ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади:
(1) гуруҳ ишни назорат қилади:
- гуруҳ ишни режалаштириш
- вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш
- вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш
- якка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш
- гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш
- гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш
(2) аниқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган, алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шаклланишига эътиборини қаратади
(3) иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим, аниқ ва самимий танбеҳ қилади

6. Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш

Бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезон ва кўрсаткичларини эслатади

III. Назорат-якуний босқич

Технологик ишлар

Таълим берувчи фаолияти

Яқун ясаш, таҳлил қилиш
ва баҳолаш

(1) Натижалар текширувини ўтказди:

- гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади;
 - ёки буни аввалдан тайинланган назоратчи қилиши мумкин;
 - ёки топшириқни бажариш вақтида ўзлаштирилган материалга тааллуқли бўлган тест ўтказди;
 - ёки ҳар бир гуруҳ берилган материал бўйича бошқалар маълумот олганликларини аниқлаш учун, ўзаро текшириш учун савол бериши ёки тайёрлаши мумкин. Бунда гуруҳ аъзолари тестга (текширувга) тайёрланишларида бир-бирларига ҳамкорликда ёрдам беришларига рухсат беради.
- (2) Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг яқунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

II-ҚИСМ. ТРЕНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎҚИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



2.1. “Шакар, асал, патока” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)

Р. Бабажанова, Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи

2.2. “Конституциявий ҳуқуқ” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)

Ф. Жумаева, Бухоро муҳандислик технологиялар институти қошидаги 1-сон академик лицей

2.3. “Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив – катарал диатез. Спазмофилия” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)

С. Шодиева, П.Ф. Боровский тиббиёт коллежи

2.4. “Математика маятник ёрдамида эркин тушиш тезланишини аниқлаш” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)

Д. Ходжаева, Тошкент Сергели тиббиёт коллежи

2.5. “Сўзларнинг тузилишига кўра турлари. Содда, қўшимча сўзлар ва уларнинг услубий қўлланиши” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)

Ш.Ҳамроева, БухДУ қошидаги 1-сон академик лицей

2.1

“Шакар, асал, патока” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)
Р. Бабажанова, Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи

2.1. Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони:30</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Назарий- тўлиқ комбинацияланган ўқув машғулоти
<i>Ўқув машғулот режаси</i>	1. Шакар ва қанд упаси. 2. Асал. 3. Карамель патокаси (қиёми).
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> қандолатпазликда ишлатиладиган ширинлаштирувчи моддалар шакар, асал ва патокаларга тавсиф бериш, уларни ишлатишга тайёрлаш тўғрисида билимларни шакллантириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Шакар кимёвий таркиби, хоссалари ва қандолатпазликда ишлатилиш моҳияти билан таништириш; • Асал кимёвий таркиби ва қандолатпазликда аҳамиятини кўрсатиш; • Карамель патокаси ҳақида маълумот бериш; • Шакар, асал ва патокани ишлашга тайёрлаш йўлларини кўрсатиш. 	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Шакар таркиби, хоссалари ва ишлатиш моҳиятини айтиб бера оладилар; • Асал таркибини такрорлаб берадилар, қандолатпазликдаги аҳамиятини тушунтира оладилар; • Карамель патоканинг аҳамиятини айтадилар; • Шакар, асал ва патокани ишлашга тайёрлаш жараёнларни тушунтирадилар.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Ахборотли- кўргазмали кичик маъруза, намоиш, тушунтириш
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли</i>	Жамоавий, индивидуал, гуруҳли
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Дарслик, ёзув тахтаси, кўргазмали материаллар слайдлар, компьютер тизими, карточкалар, график органайзер- “Концептуал жадвал”
<i>Ўқитиш шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган, гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: кузатиш, савол-жавоб, карточка-саволлар, тезкор-сўров.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>ўқувчи</i>
<p>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 дақ.)</p>	<p>Ташкилий бошланиш. 1.1. Саломлашади, хона озадалигини ва ўқувчиларнинг тайёргарлигини текширади. Йўқлама қилади ва журнални тўлдиради. 1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қисқа тавсиф беради, фан микёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради. Ўзлаштириш даражсини текшириш. 1.3. Ҳар бир талабани ўтилган мавзу бўйича ўзлаштириш даражасини карточка-саволлар орқали текширади (1- илова) . 1.4. Талабалар билимини баҳолайди ва янги ўқув материалига олиб киради.</p>	<p>Дарсга тайёргарлик кўрадилар, йўқламага жавоб берадилар. Тинглайдилар Мавзуни ва режани ёзиб оладилар.</p> <p>Саволларга индивидуал тарзда жавоб берадилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 дақ.)</p>	<p>Янги ўқув материал баёни. 2.1. Слайдларни Power point тартибида намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қилади. (2-илова). 2.2. Жалб қилувчи саволлар беради. 2.3. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади, энг асосийларига эътибор қаратади, берилаётган маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади. 2.2. Шакар, асал ва патокаларнинг кимёвий таркибининг асосий хусусиятларини ёритади. (“Концептуал” жадвал) (3- илова). 2.3. Ҳамир тайёрлаш жараёнида ширинлаштирувчиларнинг аҳамияти ва ишлашга тайёрлаш жараёнларни тушунтиради. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш. 2.4. Жараён кичик гуруҳларда давом этишини маълум қилади. 2.5. 3 та кичик гуруҳларга бўлади, кичик гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради ва ишни бажариш йўриқномасини беради (4-илова). Ҳар бир гуруҳга топширик беради (5-илова) ва баҳолаш мезони билан таништиради. (6- илова). 2.6. Топшириқни қай даражада тушунганликларини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказди. 2.7. Гуруҳларда ишларни бошлашга рухсат беради. 2.8. Бажариш жараёнини кузатади, маслаҳатлар беради.</p>	<p>Кузатадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар, маълумотларни дафтарга қайд қиладилар.</p> <p>Диққат қиладилар.</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Ҳар бир гуруҳ ўз топширик варақлари бўйича фаолиятини бошлайди. Ҳар бир гуруҳ сардорлари</p>

	<p>2.9. Ишга ажратилган вақт тугаганини маълум қилади, гуруҳлар тақдимотини ташкил этади. Гуруҳ аъзоларига диққат билан эшитишларини ва саволлар беришларини, шу билан бирга ўзаро бир-бирларини баҳолашларини эслатади. Жавобларни тўлдиради ва қисқача хулосалар қилади.</p> <p>2.10. Гуруҳлар ишини ўзаро баҳолашни ўтказиши.</p>	<p>чикиб ўз ишларини тақдим қилишларини айтади . Берилган кўшимча саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Гуруҳ иш натижаларини ўзаро баҳолайдилар.</p>
<p>3-босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>4.1.Мавзу бўйича яқун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>4.2. Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди</p> <p>4.3. Мустақил ишлари учун вазифа беради: (7- илова).</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

4- илова

Гуруҳда ишлаш қоидалари:

- ҳар ким ўз ўртоқлари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;
- ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;
- ҳар ким гуруҳ иши натижаларини баҳолашда иштирак этиши зарур

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳда лидерни сайланг.
2. Топширик билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топширикни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гуруҳлар ишини баҳоланг.

Гуруҳли иш учун ўқув топширик**Ўқув топширик****1-гуруҳ**

1. Саволга жавоб беринг: Қандолат маҳсулотлар таркибида ортиқча шакар хамир ва маҳсулот сифатига қандай таъсир этади?
 2. Бунинг сабабларини келтиринг.
 3. Шакарга доир 3-та тест саволларини тузинг.
- Эслатма:* иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Ўқув топширик**2-гуруҳ**

1. Саволга жавоб беринг: Қандолат маҳсулотлар таркибидаги асал қандай қилиб маҳсулот хоссаларини ўзгартиради?
 2. Бунинг сабабларини келтиринг.
 3. Асалга доир 3-та тест саволларини тузинг.
- Эслатма:* иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Ўқув топширик**3-гуруҳ**

1. Саволга жавоб беринг: Патокадан фойдаланиш қандай натижа беради?
 2. Бунинг сабабини келтиринг.
 3. Патокага доир 3-та тест саволларини тузинг.
- Эслатма:* иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Гуруҳлар ишини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари

Гуруҳ	Маълумотни тушунарлилиги ва аниқ жавоб Мах балл: 2 балл	Ишни тўлиқ бажарилиши Махбалл: 1балл	Вақтга амал қилиш Мах балл: 1 балл	Гуруҳ фаоллиги Мах балл: 1 балл	Жами Мах балл: 5 балл
1					
2					
3					

2.2

“Конституциявий ҳуқуқ” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)
Ф. Жумаева, Бухоро муҳандислик технологиялар институти
қошидаги 1-сон академик лицей

3.1. О'қув машг'улотининг та'лим texнологияси модели

<i>Mashg'ulot vaqti- 2soat</i>	Talabalar soni: 30ta	
<i>O'quv mashg'ulot shakli va turi</i>	Nazariy-to'liq o'quv mashg'uloti	
<i>O'quv mashg'ulot rejasi</i>	1. Konstitutsiyaviy huquq fanining predmeti, vazifasi. Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixi. 2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.	
<i>O'quv mashg'ulotining maqsadi:</i> Konstitutsiyaviy huquq fanining predmeti, vazifasi to'g'risida umumiy tushunchalarni va bilimlarni shakllantirish.		
<i>Pedagogik vazifalar:</i>	<i>O'quv faoliyati natijalari:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> • Konstitutsiyaviy huquq fanining o'rnini va uning vazifalari bilan tanishtirish; • Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixi va uning normativ hujjat sifatidagi ahamiyatini tushuntirish; • O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi uning qabul qilish jarayoni va mazmun mohiyatini ochib berish. 	<ul style="list-style-type: none"> • Konstitutsiyaviy huquq fanining predmeti mohiyati va vazifalarini tushuntiradilar; • Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixi va uning normativ hujjat sifatidagi ahamiyatini aytib beradilar; • O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi uning qabul qilish jarayoni va mazmun mohiyatini aytadilar. 	
<i>O'qitish metodlari</i>	Ko'rgazmali-axborotli ma'ruza, suhbat, kitob bilan ishlash.	
<i>O'quv faoliyatini tashkil etish shakllari</i>	Ommaviy, jamoaviy, guruhlarda ishlash.	
<i>O'qitish vositalari</i>	Darslik, proektor, kompyuter, flipchart, marker, skotch, ekspert varaq, doska.	
<i>O'qitish sharoiti</i>	O'TV bilan jihozlangan, guruhli ishlashga moslashtirilgan auditoriya.	
<i>Qaytar aloqaning usul va vositalari</i>	Og'zaki nazorat: savol-javob	

O'quv mashg'ulotining texnologik xaritasi

<i>Faoliyat bosqichlari</i>	<i>Faoliyat mazmuni</i>	
	<i>o'qituvchining</i>	<i>Talabalarning</i>
I. Kirish bosqichi (5 daqiqqa).	Tashkiliy qism. 1.1. O'quvchilarni davomatini va darsga tayorgarligini tekshiradi. 1.2. Mavzuning nomi, maqsadi, rejalashtirilgan o'quv mashg'ulot natijalari va uni o'tkazish rejasi bilan tanishtiradi va yozdiradi. 1.3. Mashg'ulotni borish tartibi va baholash mezonlarini bilan tanishtiradi (1-ilova).	Diqqat qiladilar, yozadilar.

<p>II. Asosiy bosqich (70 daqiqa).</p>	<p>Yangi mavzu bayoni. 2.1. Inset texnikasidan foydalanib darslikni mustaqil o'qish topshirig'i to'g'risida eslatadi. Ushbu mavzu bo'yicha yangi nimani bilganlari to'g'risida o'ylab ko'rishni taklif etadi, tezkor-so'rov o'tkazadi, bir necha javoblarni eshitadi va ish kichik guruhlariga davom etishini ma'lum qiladi.</p> <p>Yangi mavzuni mustaxkamlash. 2.2. Ixtiyoriy belgi bo'yicha talabalarni 3 kichik guruhlariga bo'ladi. Har bir guruh mavzuning bir savol bo'yicha "ekspertlar" bo'lishini va boshqalarni o'qitishini ma'lum qiladi. A32 qog'oz varaqlarini va ekspert varaqlarini tarqatadi va guruhlarda ishlarni tashkillashtiradi (3-ilova).</p> <p>2.3. Guruhlarda ishlash qoidasini eslatadi, yo'naltiradi, tushuntiradi (4-ilova).</p> <p>2.4. Talabalar topshiriqni qay darajada tushunganliklarini aniqlash maqsadida qaytar aloqa o'tkazadi. Quzatadi, maslahat beradi.</p> <p>2.5. Taqdimotni boshlanishini ma'lum qiladi. Maslahatchi sifatida faoliyat yuritadi.</p> <p>2.6. Har bir kichik guruh taqdimotidan so'ng mavzu savoli mazmunidagi asosiy jihatlari bo'yicha talabalar diqqatini jalab qilib, xulosalar qiladi.</p> <p>2.7. Ma'ruza rejasiga muvofiq mavzuning umumlashtiruvchi sharhini o'tkazadi, taqdimot vaqtida hal etilmagan savollarga javob beradi, talabalar diqqatini ko'rgazmali materialdan foydalanib asosiylarga qaratadi (4-ilova).</p>	<p>Javob beradilar</p> <p>Kichik guruhlariga bo'linadilar, ishlarni tashkillashtiradilar.</p> <p>Guruh sardorlari ko'rgazmali material orqali axborotlarni etkazadilar.</p> <p>Diqqat qiladilar.</p>
<p>III. Yakuniy bosqich (5 daqiqa).</p>	<p>Mashg'lot yakuni. 3.1. Mavzuni umumlashtiradi, umumiy xulosalar qiladi, yakun yasaydi, savollarga javob beradi. 3.2. Guruhlarga o'zaro baholash natijalarini ma'lum qilishlarini taklif qiladi. Natijalarni sharhlaydi. 3.3. Mustaqil ish uchun vazifa beradi: savollariga og'zaki javob berish, vaziyatlarga izoh berish(5-ilova).</p>	<p>Diqqat qiladilar. Savol beradilar. Baholash natijalarini ma'lum qiladilar. Vazifani yozib oladilar.</p>

1-ilova

Guruh ish natijalarini baxolash mezonlari

<i>Ko'rsatkichlar</i>	<i>Maks.ball</i>	<i>Gurux ishi natijalarining baxosi</i>			
		<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
Ma'lumotning to'liqligi	1				
Taqdimot (ma'lumotning chizmalı tarzda taqdim etilishi)	2				
Guruhning faollik darajasi (qo'shimchalar kiritish, savol-javoblar berish)	2				
<i>Ballarning maksimal xajmi</i>	<i>5</i>				

GURUHLI ISH UCHUN O'QUV TOPSHIRIQLARI

Ekspert varaq №1 **Konstitutsiya**

1. Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixini gapitib bering.
2. Dunyo davlatlari Konstitutsiyalariga ta'rif bering.

Eslatma: topshiriqni bajarish yoriqnomasiga amal qiling.

Ekspert varaq №2 **Konstitutsiyaviy huquq fani**

1. Konstitutsiyaviy huquq fanining vazifalarini aytib bering.
2. Konstitutsiyaviy huquq normalari haqida gapitib bering.
3. Konstitutsiyaviy huquq normalari bilan tartibga solinadigan ijtimoiy munosabatlariga ta'rif bering.

Eslatma: topshiriqni bajarish yoriqnomasiga amal qiling.

Ekspert varaq №3 **O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi**

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini qabul qilinishi to'grisida gapitib bering.
2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining tarkibiy tuzilishini aytib bering.

Eslatma: topshiriqni bajarish yoriqnomasiga amal qiling.

Гуруҳда топширикни бажариш йўриқномаси:

1. Guruh liderini tanlang.
2. Topshiriq bilan tarnishing va uni bajarish yo'lini muhokama qiling.
3. Taqdimotni rasmiylashtiring.
4. Taqdimot o'tkazing.
5. Guruhlar ishini baholashini o'tkazing.

Гуруҳларда ишлаш қондаси



Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Қуйидагиларни аниқ тушунишимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

2.3

“Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив – катарал диатез. Спазмофилия” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)
С. Шодиева, П.Ф. Боровский тиббиёт коллежи

2.1. Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Машғулот вақти-4 соат</i>	<i>Талабалар сони: 15 та</i>
<i>Машғулотшакли ва тури:</i>	Амалий -билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машғулоти
<i>Ўқув машғулот режаси:</i>	1.Бемор ҳолатини баҳолаш йўллари. 2.Витамин Д ₂ дозасини ҳисоблаш. 3.Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантириш. 4.Экссудатив-катарал диатезда терини парваришлаш. 5. Ларингоспазмда шошинч ёрдам кўрсатиш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив – катарал диатез.Спазмофилия тўғрисида билимларини мустаҳкамлаш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш кўникмаларини ривожлантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив–катарал диатез. Спазмофилия тўғрисида маълумотларни тизимлаштиришни ўргатиш; • Бемор ҳолатини баҳолашни ўргатиш; • Витамин Д ₂ дозасини ҳисоблашни ўргатиш; • Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантиришни ўргатиш; • Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлашни ўргатиш; • Ларингоспазмда шошинч ёрдам кўрсатишни ўргатиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> • Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив–катарал диатез. Спазмофилияни тушунтирадилар; • Бемор ҳолатини ҳолатини таҳлил қиладилар; • Витамин Д ₂ дозасини ҳисоблайдилар; • Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантирадилар; • Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлайдилар; • Ларингоспазмда шошинч ёрдам кўрсата оладилар.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Машқ, ақлий ҳужум
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	Жамоавий, гуруҳли, индивидуал
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув услубий материал, “Қора қути”, муляжлар, тиббиёт ва парвариш қилиш жиҳозлари, дори воситалари.
<i>Ўқитиш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, кузатув

2.2. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<p>1-босқич. Мавзуга кириш (5 дақиқа)</p>	<p>Ташкилий бошланиш.</p> <p>1.1. Талабалар давомати ва уларнинг машғулотга тайёргарлигини текширади.</p> <p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради, унинг ахамиятини асослайди.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича баҳолаш мезонларини маълум қилади (1-илова).</p> <p>1.4. Мавзунинг ахамияти устида тўхталиб ўтади.</p>	<p>Машғулотга тайёрланадилар.</p> <p>Диққат қиладилар.</p> <p>Танишадилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий босқич (165 дақиқа)</p>	<p>Мавзу бўйича билимларини ривожлантириш (70 дақиқа):</p> <p>2.1. Мавзу бўйича билимларини ривожлантириш мақсадида ўқувчиларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади, “Қора кути” воситасидан фойдаланади.</p> <p>2.2. Гуруҳларда ишларни бажариш юзасидан йўриқнома беради. Ҳар бир кичик гуруҳларга тарқатилган “Қора кути” материалларини ичидан мавзуга таалукли бўлмаган маълумотларни олиб ташлашлари айтилади (2-илова).</p> <p>2.3. Топшириқни қай даражада тушунганликларини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказилади.</p> <p>2.4. Гуруҳларда ишни ташкил қилади, қондасини эслатади (3-илова). Гуруҳларни ишини диққат билан кузатади, маслаҳатлар беради.</p> <p>2.5. Ҳар бир гуруҳдан 1тадан вакил чиқиб, ўз ишларини таҳлил қилишлари айтилади.</p> <p>2.6. Ҳар бир кичик гуруҳ маълумотларни таҳлил қилиш вақтидаги хатоликлар ва камчиликларни ўқитувчи томонидан тўғирланади ва тўлдирилади.</p> <p>Бемор ҳолатини баҳолаш (80 дақиқа):</p> <p>2.7. Бемор ҳолатини баҳолашни ўргатиш мақсадида иш 3 та кичик гуруҳда давом этишини маълум қилади ва иш мазмуни билан таништиради, “Вазиятли масалалар”ни тарқатади (4-илова).</p> <p>2.8. Вазиятли масалада қўйилган саволларга гуруҳ миқёсида жавоб беришларини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қондасини эслатади, йўналтиради, тушунтиради. Топшириқни қай даражада тушунганликларини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказилади.</p> <p>2.9. Гуруҳлар ишини кузатади, назорат қилади,</p>	<p>3 та кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Йўриқномага диққат қиладилар.</p> <p>Гуруҳларда ишларни бажарадилар.</p> <p>Ҳар бир гуруҳдан 1тадан вакил чиқиб, ўз ишларини таҳлил қиладилар.</p> <p>Йўл қўйилган хатоликлар ва камчиликларга диққат қиладилар.</p> <p>3 та кичик гуруҳга бўлиниб, “Вазиятли масалалар” билан танишадилар.</p> <p>Вазифаларга диққат қаратадилар.</p> <p>Гуруҳларда биргаликда ишлайдилар. Ахборотни тизимлаштирадилар.</p> <p>Гуруҳ сардорлари</p>

	<p>очиқ саволлар беради: “Нима учун бундай фикрдасиз” ва ўқувчилар ишини боришини шархлайди, уларга аниқ камчиликларни кўрсатади.</p> <p>2.10. Тақдимотни бошланишини маълум қилади. Маслаҳатчи сифатида фаолият юритади. Шархлайди, аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритади.</p> <p>2.11. Ҳар бир кичик гуруҳ тақдимотидан сўнг мавзу саволи мазмунидаги асосий жиҳатлари бўйича ўқувчилар диққатини жалб қилиб, хулосалар қилади.</p> <p>Ўзлаштирган муолажа ва кўникмаларини мустаҳкамлаш (15 дақиқа):</p> <p>2.12. Ўзлаштирган муолажа ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга мавзуга оид бўлган витамин Д препаратларини рецептини ва дозасини дафтарларига ёзиб беришлари айтилади (5-илова). Бу жараёнини ўқитувчи диққат билан кузатиб туради.</p>	<p>кўргазмали материал орқали ахборотларни етказадилар.</p> <p>Диққат қиладилар.</p> <p>Ҳар бир ўқувчи витамин Д препаратларини рецептини ва дозасини дафтарларига ёзадилар.</p>
3-босқич. Якуний босқич (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига ўқувчилар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.</p> <p>3.3. Уйга вазифа беради: 3- мавзуга тайёрланиб келиш.</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

1-илова

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Кўрсаткичлар	Баҳолаш			
	5	4	3	2
Мавзу бўйича билимларини ривожлантириш: “Қора қути” усулидаги фаолликлари	Мавзу бўйича маълумотларни тўлиқ баён қилади.	Мавзу бўйича маълумотларни нотўлиқ баён қилади.	Мавзу бўйича маълумотларни қисман баён қилади.	Мавзу бўйича маълумотларни умуман баён қилмайди.
Бемор ҳолатини баҳолаш: “Вазиятли масалалар” таҳлили	Ўқувчи вазиятга қўйилган ҳар 3 та саволга тўғри, аниқ, лўнда жавоб беради.	Ўқувчи вазиятга қўйилган 2 та саволга тўғри жавоб қайтаради, 3- саволга жавоб беришда баъзи камчилик ва хатоликларга йўл қўяди.	Ўқувчи вазиятга қўйилган 1- саволга тўғри жавоб қайтарса, 2 ва 3- саволга жавоб беришда катта камчилик ва хатоликларга йўл қўяди ёки жавоб бера олмайди.	Ўқувчи вазиятга қўйилган ҳар 3 та саволга жавоб қайтара олмайди.

Муолажа ва кўникмаларни шакллантириш:	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани тўлиқ, хатосиз, тўғри шархлаб кўрсатиб беради.	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани тўлиқ, хатосиз кўрсатиб беради, лекин шархлашда хатолик ва камчиликларга йўл қўяди.	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани кўрсатиб беришда ҳам, шархлашда ҳам хатолик ва камчиликларга йўл қўяди	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани кўрсатиб ва шархлаб бера олмайди.
Жами:	5	4	3	2

2-илова

Кичик гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Макс.баҳо	Гуруҳ иши натижаларининг баҳоси			
		1	2	3	4
Маълумотнинг тўлиқлиги	5				
Такдимот (маълумотнинг чизмалари тарзда такдим этилиши)	5				
Гуруҳнинг фаоллик даражаси (кўшимчалар киритиш, савол-жавоблар бериш)	5				
Муолажа ва кўникмаларни бажаришдаги фаоллик даражалари	5				
Баҳоларнинг максимал ҳажми	5				

3-илова

ГУРУҲЛИ ИШ УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚ

ЎҚУВ ТОПШИРИҚ

1. Қора қутидаги “Рахит” кассалигига оид маълумотларни ажратиш.
 2. Қора қутидаги “Спазмофилия” кассалигига оид маълумотларни ажратиш.
 3. Қора қутидаги Экссудатив – катарал диатез кассалигига оид маълумотларни ажратиш.
 4. Вазиятли масалани ечимини топинг.
 5. Витамин D₂ дозасини ҳисобланг.
 6. Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантириш йўллари ўрганинг ва амалда қўлланг.
 7. Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлаш йўллари ўрганинг ва амалда қўлланг.
 8. Ларингоспазмда шошилиш ёрдам кўрсатиш йўллари ўрганинг ва амалда қўлланг.
- Эслатма:* топшириқни ечишда ишни бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома:

1. Қора қутидаги “Рахит” кассалигига оид маълумотларни ажратинг.
2. Қора қутидаги “Спазмофилия” кассалигига оид маълумотларни ажратинг.
3. Қора қутидаги Экссудатив – катарал диатез кассалигига оид маълумотларни ажратинг.
4. Вазиятли масалани ечимини топинг.
5. Амалий иш натижаларини тақдим этинг.
6. Витамин Д₂ дозасини ҳисобланг ва ҳисоблаш жадвалидан фойдаланинг.
7. Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантиринг.
8. Экссудатив – катарал диатезда терини парваришланг
9. Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлаш бўйича йўриқномадан фойдаланинг.
10. Ларингоспазмда шошилиш ёрдам кўрсатиш йўллари ўрганинг ва амалда қўлланг.
11. Ларингоспазмда шошилиш ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқномадан фойдаланинг.

Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлаш бўйича йўриқнома

1. Боланинг тирноқларини тез – тез олиб туриш керак.
2. Қўлларига юмшоқ матодан тайёрланган қўлқопчалар кийгизиб қўйиш керак.
3. Боланинг юзини мойчечак дамламаси ёки 2% ли борат кислота эритмаси билан ювиб туриш лозим.
4. Тери бурмаларига доғланган ўсимлик мойи суртилади, баъзи болаларга присипкалар сепиб турилади.
5. Бола териси ва шиллиқ қаватлари гигиенасига қатъий эътибор берилади.
6. Теридаги аломатларни кучайтириб юборадиган озиқ овқатлар овқат рационидан чиқарилади.
7. Зарарланган соҳалар ультрабинафша нурлар билан нурлантирилади.
8. Шифобахш ванналар буюрилади.

Ларингоспазмда шошинч ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқнома

1. Бола текис ва қаттиқ жойга ётқизилади.
2. Сиқиб турган кийимлари бўшатилади.
3. Тоза ҳаво билан таъминланади.
4. Тинчлик таъминланади.
5. Беморни юзига ва танасига совуқ сув сепилади, бурнига пилик тикилади, ҳаво пуфланади.
6. Нашатир спирти ҳидлатилади.
7. Шпатель билан тил илдизи босилади.
8. Кальций глюконат 10 %, в/и 1,0 мл/ёшига нисбатан в/и юборилади.
9. Агар юқоридаги муолажалар наф бермаса, у ҳолда интубация ёки трахеостомия ўтказилади.
10. Юрак тўхтаб қолганда юрак массажи қилинади.
11. Нафас тиклангандан сўнг кислород терапия ўтказилади.

Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантириш бўйича йўриқнома

1. Қуёш нури билан чиниқтириш муолажасини эҳтиётлик билан олиб бориш керак.
2. Ёшидан ошган болаларни қуёш нури билан фақат эрталаб соат 9:00 дан 11:00 гача чиниқтириш мумкин.
3. Қуёш ваннасини бир неча дақиқагина, дастлаб эса 10 дақиқагача олинади.
4. Боланинг бошига оқ панاما кийдириб қўйиш лозим.
5. Қуёш ваннасини катталар кузатувида олиб бориш керак.
6. Болани умумий аҳволини кузатиш учун тиббиёт ҳамшираси иштирокида амалга оширилади.

Қора кути” материаллари

Мавзу: Рахит

- 2 ойликдан 2 ёшгача учрайди.
- Турли ёшли болаларда учрайди.
- Организмда витамин Д кўпайиб кетганидан келиб чиқади.
- Кальций ва фосфор алмашинуви бузилмайди.
- 4 та давр билан кечади.
- 1 – давр бошланғич даври; 2 – даври авжига чиқиш даври; 3 – давр тузалиш даври; 4 – давр асорат қолиш даври.
- Бошланғич даврида суякларда деформациялар юзага келади.
- Авжига чиққан даврида: олимпик пешона, эгарсимон бурун, товук кўкрак, рахитик билакузук, сколиоз, оёқларнинг “х” ёки “о” симон қийшайиши кузатилади.
- Тузалиш даври: МНС яхшиланади, бола тинчланади, терлаш камаяди, суяклар қаттиқлашади, тишлар чиқа бошлайди.
- Қолдиқ асоратлар даврида: бола инжиқланади, кўп терлайди, сочи тўкилади.
- Даволаш: овқатида кальций ва фосфорга бой маҳсулотлар, мева шарбатлари, мева сабзавот пюрелари, тухум сариғи, очик ҳавода кўпроқ сайр қилдириш, уқалаш ва хвойли ванналар буюрилади.
- Специфик даво: витамин Д буюрилади.

Мавзу: Спазмофилия

- Спазмофилия – “ spazmos ” тортишиш ва “ filiya ” мойиллик деган маънони билдиради.
- Спазмофилияда қонда кальций миқдори кўпайиб кетади.
- Спазмофилия 1 – 2 яшар болаларда кўпроқ учрайди.
- Клиникаси: касалликнинг 2 хил шакли тафовут қилинади: бошланғич ва авж олиш.
- Хвостек симптоми: юз мушакларининг турли жойларида, оғиз бурчагидан сал юқорироққа туртиб кўрилса, оғиз, бурун ва ковок мушакларининг пирпираб учиши кузатилади.
- Труссо симптоми: Хвостек симптомининг бошқа номи.
- Маслов симптоми: Баданига салгина игна санчилганда бемор боланинг нафаси қисқа муддатга тўхтаб қолади. Соғлом болаларда нафаси тезлашади ва чуқурлашади.
- Очик турида: ларингоспазм хуружи: бола йиғлаганда, қичқирганда, қаттиқ овоз чиқариб нафас олади. Кейин нафас олиш бирдан тўхтади. Кўкариб, ҳушдан кетади. Кўзлари катта очилади, совуқ тер босади. Бир оз вақтдан сўнг бола шовқинли нафас ола бошлайди.

Мавзу: Экссудатив – катарал диатез

- Экссудатив – катарал диатез касаллик эмас, конституция аномалияси ҳисобланади.
- Аллергик ҳолатларга кирмайди.
- Тери ва шиллик қаватлари катарал яллиғланишга мойил ҳисобланади.
- Бошнинг сочли қисмида сарғимтир кепакланиб турадиган доғлар пайдо бўлади – бу доғлар “Гнейс” дейилади.
- Бола парвариши яхши бўлсада териси бичилади, айникса, чов, қўлтик ости, қулоқ орқаси, бўйнида, бўғим соҳасида, тиззаларида кўпроқ кузатилади.
- Экссудатив – катарал диатезли бола респиратор касалликлар билан умуман касалланмайди.
- Конъюнктивит, отит, гипотрофия кўп кузатилади, тез- тез ичи бузилади.
- Рангпар, қовоқлари шишган, тили “географик харита” кўринишида, иштаҳаси юқори, баъзан паст бўлади.
- ЭКД ли болаларда юқумли касалликлар оғир кечади.
- Даволашда: аввало овқат рационидан аллергия маҳсулотлар олиб ташланади.
- Қичишиш ва безовталаниш пайдо бўлса, антигистамин препаратлари: диазолин, супрастин, кетотифен буюрилади.

4-илова

Вазиятли масала

Гуруҳ № 1

Она 5 ойлик фарзандини маҳалла педиатрига олиб чиқди.

Шикоятлари: уйқусининг бузилиши, кўп терлаш ва инжиқлик.

Кўрувда: умумий аҳволи қоникарли, t^0 36,5, бошнинг сочли қисмининг энса соҳасида сочи сийраклашган, боши бироз катта, энса суяги юмшоқлиги кузатилади. Аускультацияда: пуэрил нафас, юракда ортикча шовқин йўқ. Пальпацияда: жигар бироз катталашган, оғриқсиз.

Анамнездан: муддатида туғилган, туғилгандаги тана вазни 3200 гр бўлган. 3 ойгача кўкрак билан боқилган. Ҳозирда сунъий овқатлантиришда, қўшимча овқат берилмаган. Очик ҳавога кўп чиқмайди. Чиниқтирилмаган. Ич келиши баъзан қабзият кузатилади, баъзан суюқлашади.

Тавсиялар: *Куйидаги саволлар асосида вазиятли масалани таҳлил қилинг.*

Саволлар:

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Ташхисни тасдиқлаш учун қандай лаборатор текширувлар ўтказилиши керак?
3. Қандай даво чора тадбирлари ўтказилади?

Вазиятли масала

Гурух № 2

Она 6 ойлик фарзандини маҳалла педиатрига олиб чиқди.

Шикоятлари: безовталиқ, терида тошмалар ва бурмаларда кизаришлар борлиги.

Кўрувда: умумий аҳволи қониқарли, ҳарорати $36,4^{\circ}\text{C}$, юз, бўйин, қўл ва оёқ териларида, майда нуқтасимон пушти қизғиш рангли тошмалар, чов бурмасида, думбасининг оралари ва қўлтиқ ости соҳаларида бичилишлар бор. Тили географик харита кўринишида, сочида гнейслар мавжуд. Аускультацияда: пуэрил нафас, юракда шовқин йўқ. Пальпацияда: жигар ва талоқ катталашмаган. Ич келиши тез – тез суюқлашиб туради.

Анамнездан: муддатида туғилган, вазни 3700 гр бўлган, табиий овқатлантиришда, қўшимча овқатлар берилади. Юқори нафас аъзолари касалликлари билан тез – тез оғриб туради.

Тавсиялар: *Қуйидаги саволлар асосида вазиятли масалани таҳлил қилинг.*

Саволлар:

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Ташхисни тасдиқлаш учун қандай лаборатор текширувлар ўтказилиши керак?
3. Қандай даво чора тадбирлари ўтказилади?

Вазиятли масала

Гурух № 3

Она 11 ойлик фарзандини маҳалла педиатрига олиб чиқди.

Шикоятлари: уйкусининг бузилиши, кўп терлаш, қаттиқ овоз чиқариб, нафаси тўхтаб қолиши.

Кўрилганда: умумий аҳволи қониқарли, энса соҳасида сочи сийраклашган, боши бироз катта. Врач кўригида ўтирганда бола безовталаниб, қичқариб нафаси тўхтаб, кўкариб ҳушдан кетди. Врач ёрдам бергандан кейин бола яна нафас ола бошлади. Аускультацияда: шовқинли нафас, нафас сони 1 дақиқада 40 та, пульс 150 марта 1 дақиқада. Пальпацияда: жигари бироз катталашган, оғриқсиз. Ич баъзан қотади, баъзан суюқлашади.

Анамнездан: муддатида туғилган, туғилгандаги тана вазни 3600 гр бўлган, 6 ойгача кўкрак билан боқилган. Ҳозирда аралаш овқатлантиришда, қўшимча овқатдан манний бўтқаси ва олма шарбати берилади.

Тавсиялар: *Қуйидаги саволлар асосида вазиятли масалани таҳлил қилинг.*

Саволлар:

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Ташхисни тасдиқлаш учун қандай лаборатор текширувлар ўтказилиши керак?
3. Қандай даво чора тадбирлари ўтказилади?

Витамин Д₂ дозасини ҳисоблаш бўйича маълумотлар

Эргокальцеферол	Ичишга	Витамин Д ₂ Спиртли эритмаси 0,5%	Рахит профилактикасида Суткалик доза 500ХБ. Даволовчи суткалик доза 1000-2000 ХБ.
Витамин Д₂ ва унинг метаболитлари			
Вигантол	Ичишга	Ёгли эритма 0,0625%, (1 – томчида 650ХБ, 1мл 30 томчи 20000ХБни ташкил этади).	Рахит профилактикасида Суткалик доза 500ХБ. Рахит, спазмофилия ва гипокальцимияни даволашда ҳафтасига 200000ХБ 2 ҳафта мобайнида. (кальций тузлари билан)
Аквадетрим	Ичишга	Сувли эритма 1 мл да 15000ХБ	Рахит профилактикасида Суткалик доза 500ХБ. Рахит, спазмофилия ва гипокальцимияни даволашда ҳафтасига 200000ХБ 2 ҳафта мобайнида.

2.4**“Математика маятник ёрдамида эркин тушиш тезланишини аниқлаш” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)****Д. Ходжаева, Тошкент Сергели тиббиёт коллежи****MAVZU: 2-Laboratoriya ishi. Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash.****Laboratoriya mashg'ulotining o'qitish texnologiyasi**

<i>Mashg'ulot vaqti</i> -2 soat	<i>O'quvchilar soni</i> -30 nafar;
<i>Mashg'ulot shakli</i>	Амалий-Laboratoriya mashg'uloti
<i>Mashg'ulot tuzilishi</i>	1. Mavzuga kirish. 2. Tayanch bilimlarni faollashtirish. 3. Ishni bajarish uchun tayyorlash. 4. Guruhlarda laboratoriya ishini bajarishni tashkillashtirish. 5. Guruhlarda ish faoliyatini boshqarish. 6. Hulosa va hisobot tayyorlash

O'quv mashg'ulotining maqsadi: Matematik mayatnikdan foydalanib, erkin tushish tezlanishini aniqlash bo'yicha amaliy ko'nikma va malakalarini shakllantirish.**Pedagogik vazifalar:**

- Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash bo'yicha faoliyatni rejalashtirish va tashkillashtirish;
- Tebranma harakatning asoslarini ochib berish;
- Matematik mayatnik va uning

O'quv faoliyatini natijalari:

- Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash bo'yicha bajariladigan ishlar mohiyatini biladilar;
- Tebranma harakatning asoslarini tushuntiradilar;
- Matematik mayatnik va uning

qismlarini ko'rsatadi; ➤ Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlashni o'rgatish; ➤ Erkin tushish tezlanishining son qiymatini o'zgarmas ekanligini ko'rsatish; ➤ Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash mumkinligini isbotlash.	qismlarini biladilar; ➤ Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlaydilar; ➤ Erkin tushish tezlanishi son qiymatining o'zgarmas ekanligini isbotlaydilar; ➤ Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash bo'yicha hisobot tayyorlaydilar.
<i>O'qitish metodlari</i>	Laboratoriya metodi, yo'riqnoma, tushuntirish, namoyish, ko'rsatish.
<i>O'qitish vositalari</i>	Laboratoriya jihozlari: Matematik mayatnik, o'lchov lentasi, vaqt o'lchagich; doska, slaydlar, ish varaqasi, yo'riqnoma varag'i.
<i>O'quv faoliyatini tashkil etish shakli</i>	Ommaviy, guruhli.
<i>O'qitish shart-sharoitlari</i>	Fizika fanidan laboratoriya ishlarini bajarishga moslashgan o'quv xonasi.
<i>Qaytar aloqaning usul va vositalari</i>	Og'zaki nazorat: Savol-javob Yozma nazorat: Hisobot.

2.2. Laboratoriya mashg'ulotining texnologik xaritasi

Faoliyat bosqichlari	Faoliyat mazmuni	
	O'qituvchi	O'quvchi
1-bosqich O'quv mashg'ulotiga kirish (10 minut)	1.1 Mashg'ulotning mavzusi va maqsadi bilan tanishtiradi. Erkin tushish tezlanishining son qiymatini amalda aniqlash mumkinligini aytadi. (1-IIova) 1.2. Mashg'ulotda baholash mezonlari bilan tanishtiradi. (2-IIova) 1.3. Guruh o'quvchilarini 4 ta kichik guruhga bo'lib joylashtiradi. 1.4 Kichik guruhlarda ishlash qoidasini eslatadi. (3-IIova) Mashg'ulot shiori asosida ma'naviyat saboqlarini beradi;	Tinglaydilar; Aniqlashtiradilar Savollar beradilar; Joyalarni egallaydilar; Diqqat qiladilar;
2-bosqich Asosiy (70 minut)	2.1 O'quvchilarning mashg'ulotga tayyorgarligini va tayanch bilimlarini nazorat savollari orqali tekshiradi; (4-IIova) Savollarni guruhlar ketma-ketligi bo'yicha o'qiydi, o'quvchilar javoblarini qabul qiladi, sharxlaydi, hulosa qiladi. 2.2. Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlashda, ishni bajarish uchun yo'riqnoma beradi, laboratoriya ishi qurilmasi bilan tanishtiradi, laboratoriya ishi bo'yich natija olish va hisobot tayyorlashni tushuntiradi. 2.3. Laboratoriya ishini bajarish bo'yicha guruhli faoliyatni tashkillashtiradi, "Ishni bajarish tartibi" yo'riqnomasi (5-IIova) bo'yicha laboratoriya ishini bajarishini aytadi. O'quv topshirig'ini tarqatadi. (6-IIova) Talabalar topshiriqni qay darajada tushunganliklarini aniqlash maqsadida qaytar aloqa o'tkazadi. Guruhlarda laboratoriya ishini bajarilish jarayonini nazorat qiladi. 2.4. Laboratoriya ishi natijalarini rasmiylashtirish bo'yicha o'quvchilar faoliyatini tashkillashtiradi;	Savollarga javob beradilar; Tinglaydilar; Diqqat qiladilar, savollar beradilar; Laboratoriya ishini bajaradilar; Hisoblaydilar, yozadilar; Natijalarni solishtiradilar, yozadilar; Taqdimot qiladilar;

	2.5. Guruhli ish natijalarining tanlangan taqdimotini tashkillashtiradi;	
3-Bosqich Yakuniy (10 minut)	3.1 Olingan natijalarni umumlashtiradi, laboratoriya mashg'ulotining natijalarini izohlab beradi, maqsadga erishganlik darajasini aniqlaydi, yakun yasaydi; 3.2 Baholash mezonlari asosida o'quvchilarni baholaydi; 3.3 Mustaqil ishlash uchun vazifa beradi. <i>Vazifa:</i> Bajarilgan laboratoriya ishi bo'yicha hisobot yozish; Bajariladigan 3-laboratoriya ishining yo'riqnomasini daftarga qayd etish.	Tinglaydilar, yozadilar; Savollar beradilar; Tinglaydilar, Vazifani yozadilar;

2-Ilova

Baholash mezonlari	Baho
Tajriba va o'lchash ishlari tegishli ketma-ketlikda texnika xavfsizligiga rioya qilib bajarilsa, kerakli jihozlardan mustaqil foydalana olsa, tajriba natijalarining absolyut va nisbiy xatoliklarini to'g'ri hisoblay olsa va jadval asosida hulosani to'g'ri chiqargan bo'lsa, og'zaki hisobot topshirsa yoki taqdimotda ishtirok etsa.	5
Tajriba va o'lchash ishlari tegishli ketma-ketlikda texnika xavfsizligiga rioya qilib bajarilsa, kerakli jihozlardan mustaqil foydalana olsa, laboratoriya ishining natijasi to'g'ri hisoblansa, jadval asosida hulosani to'g'ri chiqarilgan bo'lib, og'zaki hisobot yoki taqdimotda ishtirok etmasa.	4
Tajriba va o'lchash ishlari tegishli ketma-ketlikda texnika xavfsizligiga rioya qilib bajarilsa, kerakli jihozlardan mustaqil foydalana olsa, laboratoriya ishining natijasini hisoblashda kamchiliklarga yo'l qo'ysa, hulosani to'g'ri chiqarilmagan bo'sa.	3
Laboratoriya ishini o'tkazish uchun kerakli jihozlarni tanlab, tajribani bajarishda xatolikka yo'l qo'ysa, tajribani o'tkaza olmasa.	2

Guruhlarda ishlash qoidasi

- ❖ Sherigingizni diqqat bilan tinglang.
- ❖ Guruh ishlarida o'zaro faol ishtirok eting, berilgan topshiriqlarga javobgarlik bilan yondoshing.
- ❖ Agar sizga yordam kerak bo'sa, albatta guruh a'zolariga murojaat qiling
- ❖ Agar sizdan yordam so'rashsa, albatta yordam bering.
- ❖ Guruhlar faoliyati natijalarini baholashda hamma ishtirok etishi shart!
- ✚ Shuni tushunmog'ingiz lozim:
- ☞ Boshqalarga o'rgatish orqali o'zimiz o'rganamiz;
- ☞ Biz bir kemedamiz: yoki birgalikda suzib chiqamiz, yoki birgalikda cho'kib ketamiz;

4-Ilova

Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash bo'yicha tayanch bilimlarini tekshirish uchun nazorat savollari:

1-Guruh savollari:

Bajariladigan laboratoriya ishining mavzusi, maqsadi va kerakli jihozlarning nomlarini ayting. Mavzu bo'yicha texnika xavfsizligi qoidalarini ketma-ketlikda tushuntiring.

2-Guruh savollari:

Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash bo'yicha muhim bo'lgan nazariy asoslari nimalardan iborat?

3-Guruh savollari:

Ishni bajarish tartibi qanday bosqichlarda amalga oshiriladi?

4-Guruh savollari:

Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlashda natijaga erishish uchun qaysi hisoblash formulalaridan foydalaniladi?

5-Ilova

Ishni bajarish bo'yicha yo'riqnoma

1. Ipni imkoni boricha uzunroq holatda mahkamlab, uning uzunligi o'lchanadi. Olingan natija yoziladi. $l_1 = \dots m$.
2. Laboratoriya universal ta'minlash manbayiga lahza o'lchagich ulanadi.
3. Laboratoriya universal ta'minlash manbayi tok tarmog'iga ulanadi va uni ish holatiga keltiriladi.
4. Lahza o'lchagich ko'rsatkichi nol holatiga keltiriladi.
5. Sharchani muvozanat vaziyatidan uncha katta bo'lmagan burchakka og'dirib, u harakatga keltiriladi. Shu onda lahza o'lchagich ishga tushiriladi.
6. Matematik mayatnikning tebranishlar soni sanaladi. Mayatnik $N_1 = 30$ marta tebranganda lahza o'lchagich to'xtatiladi.
7. Lahza o'lchagichning ko'rsatishi qayd etiladi va jadvalga yoziladi. $t_1 = \dots s$.
8. $T = t/N$ ifodaga ko'ra l_1 uzunlikdagi mayatnikning tebranish davri $T_1 = \dots s$ hisoblanadi.
9. $g = \frac{4\pi^2 l}{T^2}$ ifodaga ko'ra erkin tushish tezlanishi hisoblanadi. $g = \dots m/s^2$.
10. Mayatnik ipining uzunligini o'zgartirmasdan tebranishlar soni $N_2 = 40$ ta va $N_3 = 50$ ta hollari uchun tajriba yuqoridagidek takrorlanadi.
11. Olingan natijalar asosida mayatnik tebranish davri va erkin tushish tezlanishining qiymatlari aniqlanib yoziladi.
12. Mayatnik uzunligini o'zgartirib, tajriba yuqorida ko'rsatilgan tartibda takrorlanadi.
13. Erkin tushish tezlanishining tajribalarda olingan qiymatlarining o'rtachasi hisoblanadi.
14. Olingan natijalar jadvalga qayd etiladi.

Guruhlar uchun o'quv topshirig'i

O'quv topshirig'i

1. Matematik mayatnikning ishlash prinsipini o'rganing.
2. Matematik mayatnikni ish holatiga tayyorlang.
3. Yo'riqnoma asosida ishni bajaring. Olingan natijalarni "Ishchi daftarga" yozing.
4. Olingan natijalar asosida ma'lumotlarni 1-jadvalga kiriting.

Eslatma: Matematik mayatnikni laboratoriya ishlari qo'llanmasidan foydalanib qurilma tuzilishi bilan solishtiring. 11-betga qarang.

6.1-Ilova

1-jadval

l m	N	t s	T s	g m/s ²	\bar{g} m/s ²	Δg m/s ²	$\bar{\Delta g}$ m/s ²	$\varepsilon = \frac{\bar{\Delta g}}{\bar{g}} \cdot 100\%$
	30							
	40							
	50							

2.5

“Сўзларнинг тузилишига кўра турлари. Содда, кўшимча сўзлар ва уларнинг услубий кўлланиши” мавзуси бўйича гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)
Ш.Хамроева, БухДУ қошидаги 1-сон академик лицей

O'quv mashg'ulotida ta'lim texnologiyasi modeli

Vaqt: 2 soat	Talabalar soni: 25 ta
O'quv mashg'ulotining shakli va turi	Nazariy - to'liq o'quv mashg'uloti
Ma'ruza rejasi	1. So'zlarning tuzilishiga ko'ra turlari. 2. Sodda, qo'shma so'zlar haqida ma'lumot; 3. Sodda, qo'shma so'zlarning uslubiy qo'llanishi;
O'quv mashg'uloti maqsadi: So'zlarning tuzilishiga ko'ra turlari. Sodda, qo'shma so'zlar haqidagi tushunchalarni shakllantirish va ularning uslubiy qo'llanishi bo'yicha ko'nikma hosil qilish.	

Pedagogik vazifalar:	<ul style="list-style-type: none"> • Soʻzlarning tuzilishiga koʻra turlari haqida maʼlumot berish; • Sodda, qoʻshma soʻzlar haqida maʼlumot berish; • Sodda, qoʻshma soʻzlarning uslubiy qoʻllanishini tushuntirib berish; • Berilgan matnlardan sodda va qoʻshma soʻzlarni ajratishni oʻrgatish. 	Oʻquv faoliyati natijalari:	<ul style="list-style-type: none"> • Soʻzlarning tuzilishiga koʻra turlarini sanab beradilar. • Sodda, qoʻshma soʻzlarni farqlay oladilar. • Sodda, qoʻshma soʻzlarning uslubiy qoʻllanishini tushunib oladilar. • Berilgan matnlardan sodda va qoʻshma soʻzlarni ajrata oladilar.
Oʻqitish usullari	Tushuntirish, kitob bilan ishlash, mashq		
Oʻquv faoliyatini tashkil etish shakli	Ommaviy, kichik guruhlariga ishlash		
Oʻqitish vositalari	Yozuv taxtasi, boʻr, matnlar, oʻquv topshirigʻi		
Oʻqitish berish sharoiti	Oddiy auditoriya		
Qaytar aloqaning yoʻl va vositalari	Ogʻzaki nazorat: savol-javob Yozma nazorat: mashq		

Oʻquv mashgʻulotining texnologik xaritasi

Ish bosqichlari va vaqti	Faoliyat mazmuni	
	taʼlim beruvchi	taʼlim oluvchilar
1-bosqich. Oʻquv mashgʻulotiga kirish (10 min)	1. Mavzuni eʼlon qiladi, reja va darsdagi vazifalar bilan tanishtiradi, adabiyotlar roʻyxatini berish.	yozib oladilar
2-bosqich. Asosiy (70 min)	<p>I. Uyga vazifasini tekshirish:</p> <p>2.1. Leksikologiya boʻyicha umumiy savol-javob tashkil etadi (1-ilova)</p> <p>II. Yangi mavzuni bayon etish</p> <p>2.2. Soʻzlarning tuzilishiga koʻra turlari haqida maʼlumot beradi; (2-ilova)</p> <p>2.3. Sodda, qoʻshma soʻzlar haqida maʼlumot beradi; (3-ilova)</p> <p>2.4. Sodda, qoʻshma soʻzlarning uslubiy qoʻllanishini tushuntirib beradi;</p> <p>2.5. Mavzuning tayanch tushunchalarini soʻrab, oʻquvchilar bilan qaytar aloqaga kiradi.</p> <p>III. Mavzu boʻyicha mustahkamlash:</p> <p>2.6. Yangi mavzu boʻyicha berilgan matnlardan sodda va qoʻshma soʻzlarni ajratishni tavsiya qiladi.</p> <p>2.7. Ixtiyoriy belgi boʻyicha talabalarni 4-ta kichik guruhlariga boʻladi. Guruhlarda ishlash qoidasini eslatadi, yoʻnaltiradi, tushuntiradi. Oʻquv topshiriqlarni tarqatadi (4-ilova) va ularni bajarish boʻyicha yoʻriqnoma beradi (5-ilova).</p>	<p>savollarga javob beradilar.</p> <p>Soʻzlarning tuzilishiga koʻra turlarini sanab beradilar;</p> <p>Sodda, qoʻshma soʻzlarni farqlaydilar;</p> <p>Sodda, qoʻshma soʻzlarning uslubiy qoʻllanishini tushunib oladilar;</p> <p>Berilgan matnlardan sodda va qoʻshma soʻzlarni ajrata oladilar.</p>

	2.8. Talabalar topshiriqni qay darajada tushunganliklarini aniqlash maqsadida qaytar aloqa o'tkazadi. Quzatadi, maslahat beradi. 2.9. Taqdimotni boshlanishini ma'lum qiladi. Maslahatchi sifatida faoliyat yuritadi.	
3-bosqich. Yakuniy (5 min)	3.1. O'quvchilarni alohida baholaydi, guruhlariga baho beradi 3.2. Mustaqil ishlash uchun topshiriq beradi (5-ilova).	Topshiriqlarni belgilab oladilar

4-ilova

Guruh uchun o'quv topshirig'i


1- topshiriq: Berilgan matndagi so'zlarni quyidagi jadvalga joylashtiring.

<i>Sodda</i>	<i>Qo'shma</i>	<i>Juft</i>	<i>Takroriy</i>	<i>Qisqartma</i>

Respublikamizda uzluksiz ta'lim tizimi joriy qilindi. Uning bosh maqsadi chuqur bilimli, yuksak ma'naviyatli, hozirjavob yoshlarni tarbiyalashdan iborat. Mehmondo'st, mehnatsevar, bolajon xalqimizga mos bo'lgan sofdil, mard va dovyurak, dono yoshlar kelajak poydevoridir. Ochildimi boychechak, Endi har yon gul demak. Bu shaharning oti Ko'kterak ekan. Bir kuni Oqiljonning dadasi uch-to'rt tup atirgul ko'chatini ko'tarib keldi. Onasi: - To'polon qilmay o'tiringlar, agar yaxshi bola bo'lib o'tirsalaring, ikkolovingga xo'rozqand olib kelib beraman, - deb tayinlab ketdi.

Eslatma: Darslikdagi ma'lumotlarga aarang.

2-topshiriq. Sxemada tushirib qoldirilgan tushunchalarni tiklang.



Eslatma: Dars boshidagi nazariy ma'lumotlarni eslang!

Guruhlarda ishlash qoidasi

Sheringizni diqqat bilan tinglang.

Guruh ishlarida o'zaro faol ishtirok eting, berilgan topshiriqlarga javobgarlik bilan yondashing.

Agar yordam kerak bo'lsa, albatta murojaat qiling.

Agar sizdan yordam so'rashsa, albatta yordam bering.

Guruhlar faoliyatining natijalarini baholashda hamma ishtirok etishi shart.

Quyidagilarni aniq tushunishimiz lozim:

- Boshqalarga o'rgatish orqali o'zimiz o'rganamiz!
- Biz bitta kemadamiz: yoki birgalikda suzib chiqamiz, yoki birgalikda cho'kib ketamiz.

O'quv topshirig'ini bajarish uchun yo'riqnoma

1. Berilgan matndagi so'zlarning tuzilishini tahlil qilib chiqing.
2. So'zlarning tuzilishini aniqlab chiqing.
3. So'zlarni jadvalga joylashtiring.

Гуруҳ иши натижаларини баҳолаш мезонлари

<i>Кўурсаткичлар</i>	<i>Макс.балл</i>	<i>Гуруҳ иши натижаларининг баҳоси</i>			
		<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
Маълумотнинг тўлиқлиги	1,0				
Такдимот (маълумотнинг чизмалар тарзда такдим этилиши)	0,6				
Гуруҳнинг фаоллик даражаси (кушимчалар киритиш, савол-жавоблар бериш)	0,4				
<i>Балларнинг максимал ҳажми</i>	2				

2.6

“Академик лицей атрофида кенг тарқалган икки хил тур ёки унинг гербарийси ёки коллекциясидан турнинг морфологик мезонини аниқлаш” мавзусидаги лаборатория машғулотида гуруҳларда ҳамкорликда ўқишнинг педагогик технологияси (лавҳа)

Ҳ.Офтобхўжаева, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицей

18.1. Лаборатория машғулоти олиб бориш технологияси модели

<i>Ўқувчилар сони: 30</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли ва тури</i>	Амалий -билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машғулоти
<i>Лаборатория машғулоти режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғўза ўсимлиги морфологияси билан танишиш. 2. Ўсимликларда тур мезонлари ва уни тавсифлайдиган белгилар билан танишиш. 3.Хайвонларда турни тавсифлайдиган белгилар билан танишиш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Тур мезонлари бўйича олган назарий билимлар асосида хона ўсимликлари ва гербариялар ёрдамида табиий шароитда ҳашорот ва ўсимликлардаги турли ўзгарувчанликларни аниқлаш, бир турдаги индивидларнинг турли кўринишдаги белгиларни фарқлаш, кузатиш, аниқлаш кўникма ва малакаларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>
<ol style="list-style-type: none"> 1.Ғўза ўсимлиги морфологияси билан таништириш. 2. Ўсимликларда тур мезонлари ва уни тавсифлайдиган белгилар билан таништириш. 3.Хайвонларда турни тавсифлайдиган белгилар билан таништириш. 	Лаборатория машғулоти режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; Ғўза ўсимлигининг морфологик белгилари бўйича таққослайди ва жадвални тўлдиради. Бир оилага кирувчи ўсимлик органларини тур мезонлари ва уни тавсифлайдиган белгиларини аниқлаб жадвални тўлдиради. Ҳашоротлар қайси турга мансублигини аниқлайди ва жадвални тўлдиради.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Йўриқнома бериш, намоёниш, тажриба методи, машқ, баҳс-мунозара.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Лаборатория ишининг назарий матни, микроскоп, лаборатория асбоб анжомлар тўплами, лупа, ўсимлик гербариялари, ҳашоротлар коллекцияси, моллюска чиғаноқлари коллекцияси, плакатлар тўплами турларни аниқлагич китоби.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий, гуруҳли, индивидуал

Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Қайтар алоқанинг усул ва воситалари	Оғзаки назорат: Назорат саволлари, Блиц-сўров, баҳо тизими асосида баҳолаш.

Лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1-босқич. Мавзуга кириш (10дақиқа)	<p>1.1. Ташкилий бошланиш. Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.</p> <p>1.1.Амалий машғулотининг мавзуси, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, унинг ахамиятини асослайди.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича баҳолаш мезонларини маълум қилади (1-илова).</p> <p>1.3. “Лаборатория хонасида ишлаш қоидаси” билан таништиради.(2-илова)</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Танишадилар</p> <p>Лаборатория ўқув жихозлар билан ишлаш қоидаларини айтиб беради.</p>
2-босқич. Асосий Босқич (60дақиқа)	<p>I. Мавзу бўйича билимларини долзарблаштириш.</p> <p>2.1. Мавзу бўйича билимларини ривожлантириш мақсадида блиц-сўров ўтказилади. (3-илова) Ўқувчилар жавобларини умумлаштиради ва хулосалайди.</p> <p>Амалий машғулот баёни:</p> <p>2.2. Ўқувчиларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади. Қура ташлаш орқали топшириқ-тажрибалар кичик гуруҳларга тарқатилади. (4-илова) Тажриба ишини бажариш тартиби бўйича тегишли ўсимликларнинг тирик ёки гербарий намуналари, ҳашоротлар ва моллюскалар коллекцияси тарқатилади.</p> <p>2.3. Гуруҳларда ишларни бажариш юзасидан йўриқнома беради.</p> <p>2.4.Гуруҳларда ишни ташкил қилади ва қоидасини эслатади. (5-илова).</p> <p>2.5. Гуруҳларга объектлар билан ишлаш жараёнида топшириқларни бажариш учун ёрдам беради.</p> <p>2.6.Гуруҳларни ишини диққат билан кузатади, топшириқни қай даражада тушунганликларини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказилади,</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>3 та кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Лаборатория ишланмаларига қарайдилар.</p> <p>Гуруҳ сардорлари тарқатма материал орқали ахборотларни етказадилар.</p> <p>Йўриқномага диққат қиладилар.</p> <p>Иш тартибини айтиб беради.</p> <p>Ахборотларни ўрганеди, кузатади,таққослайди. баҳс-мунозара юритади.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>

	<p>маслаҳатлар беради.</p> <p>2.7. Ҳар бир кичик гуруҳ маълумотларни таҳлил қилиш вақтидаги хато ва камчиликларини тўғрилаб боради ва назорат қилади.</p> <p>2.8. Вазифалар гуруҳлар тамонидан навбатма-навбат алмашиб бажарилади. Кузатилган лаборатория ишлар бўйича хулосаларни дафтарга қайд этишни тавсия этади.</p> <p>2.9. Такдимотни бошланишини маълум қилади. Маслаҳатчи сифатида фаолият юритади. Шарҳлайди, аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритади.</p> <p>2.10. Ҳар бир кичик гуруҳ такдимотидан сўнг, уларнинг ишларини умумлаштирган ҳолда мавзунинг асосий жиҳатлари бўйича хулоса қилади</p>	<p>Гуруҳларда белгиланган тажрибани амалга оширади, хулоса чиқаради.</p> <p>Тажриба натижаларини ҳимоялайди, аниқлайди, жадвални тўлдирди.</p> <p>Такдимот қиладилар, Йўл қўйилган хатоликлар ва камчиликларга диққат қиладилар.</p> <p>Тинглайдилар</p>
3-босқич. Якуний босқич (10 дақ.)	<p>3.1. Ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилади баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Уйга вазифа беради: Инсерт жадвалидан фойдаланилган ҳолда № 3 ва № 4 лаборатория ишлари билан танишиб келиш. (6- илова)</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

1-илова.

Гуруҳларга қўйилган баллар кўрсаткичлари					
Гуруҳ	1	2	3	Умумий балл	Баҳо
1					
2					
3					

2,2 – 3 балл – “аъло”.
 1,2 – 2 балл – “яхши”.
 0,5 – 1,1 балл – “қониқарли”

Лаборатория хонасида ишлаш қоидалари.

- 1.Лаборатория хонасининг ҳавосини алмаштириш, озодалигига эътибор бериш.
2. Лаборатория анжом ва жиҳозлар ювилган, қуритилган, озода бўлиши керак
3. Тажриба мақсадига қараб зарурий асбоб ва жиҳозлар идишга жойлаштирилади.
4. Ҳар бир жиҳознинг ўз ўрни бўлиши лозим.
- 5.Тажриба ўтказиб бўлгандан кейин барча жиҳозлар жой-жойига қўйилиши керак
6. Дивергенция деб нимага айтилади?

№1 Лаборатория иши:

Академик лицей атрофида кенг тарқалган икки хил тур ёки унинг гербарийси ёки коллекциясидан турнинг морфологик мезонини аниқлаш.

№1.Лаборатория иши топшириғи.

- 1-тажриба:** Ғўза ўсимлиги морфологияси билан танишиш.
- 2-тажриба:** Тур мезонлари ва уни тавсифлайдиган белгилар билан танишиш.
- 3-тажриба:** Ҳайвонларда турни тавсифлайдиган белгилар билан танишиш.

1-тажриба ишни бажариш бўйича йўриқнома

1.Бир оилага кирувчи икки турга мансуб ғўза ўсимлигини олиб кузатинг.

2.Ўсимликларнинг морфологик белгиларини аниқланг белгилар бўйича таққосланг ва қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Ўсимлик	Белги ва хусусиятлаир	Ғўза турлари		Таққослаш натижалари
		G.hirutum	G.barbadenzi	
Поя	Шакли			
	Ранги			
	Баландлиги			
	Тукланганлиги			
Барг	Шакли			
	Ранги			
	Узунлиги			
	Тукланганлиги			
Шона	Шакли			
	Ранги			
	Гулёнбаргнинг тишчалари			
Гултожи	Барг ранги			
	катталиги			
	Антоциан доғи			
Кўсак	Кўсак шакли ранги			
	диаметри			

2-тажриба ишни бажариш бўйича йўриқнома

1.Бир оилага кировчи гербариялар ўрганинг, ўсимлик органларини лупа орқали кузатинг.

2.Аниқлагичдан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдириг.

Турни аниқловчи белгилар	Қисқа тавсифи	Бир турга кировчи ўсимлик намуналари		
		Пиёзчали қўнғирбош	Пичанзор қўнғирбош	Оддий қўнғирбош
Морфологик				
Физиологик				
Ирсий				
Биокимёвий				
Экологик				
Географик				

3-тажриба ишни бажариш бўйича йўриқнома

1.Коллекцияда берилган ҳашоротларни кузатинг (бир оилага кировчи 2-та индивид)

2.Аниқлагич ёки тарқатма материаллардан фойдаланиб, уларни қайси турга мансублигини аниқланг.

3.Аниқланган белгиларни жадвалга ёзинг.

Белгилар	Оддий чивин	Безгак чивини
Имагосининг ўлчами		
Қанотидаги доғлар		
Қанотининг танага нисбатан жойлашиши		
Личинкасининг нафас олиш сифони		
Личинкасининг сув юзасига нисбатан жойлашиш муҳити		
Ғумбагининг шакли		
Ғумбак нафас-сифонининг шакли		

Гуруҳда ишлаш қоидалари:

- ҳар биримиз ўз гуруҳдошимиз нутқини хушмуомалалик билан тинглашимиз зарур;
- ҳар биримиз фаол, биргаликда ишлашимиз, берилган топшириққа масъулиятли ёндашишимиз зарур;
- ҳар биримиз ёрдамга мухтож бўлганда уни сўрашимиз зарур;
- ҳар биримиз ёрдам сўралса, ёрдам қилишимиз зарур;
- ҳар биримиз гуруҳ иши натижаларини баҳолашда иштирок этишимиз зарур;

Ҳар биримиз аниқ тушунмоғимиз зарур:

- бошқаларга ёрдамлашиб, ўзимиз ўрганамиз!
- биз бир кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз ёки бирга чўкиб кетамиз!

Файзуллаева Дилфуза Миракбаровна,
ТДИУ “Иқтисодий педагогика” кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди,

Ганиева Муборак Адилевна,
ТДИУ “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари номзоди.

Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялари тўплами

Босишга рухсат этилди. 30.08.2013.
Бичими 60x90 1/16 Офсет босма. Таймс гарнитураси.
Шартли босма табоғи 2,7. Адади 100 нусха.
Баҳоси шартнома асосида.

ТДИУ босмахонаси,
100003, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 49- уй